БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАР РАҚАМЛИ МЕДИАМАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА РЕФЛЕКСИВ КОМПОНЕНТНИНГ АҲАМИЯТИ

Narmanov Alisher Hasanovich
Chirchiq davlat pedagogika universiteti dotsent v.b., PhD
alishernarmanov@gmail.com

Аннотация. *Мазкур мақолада бўлажак ўқитувчилар рақамли медиамаданиятини ривожлантиришда рефлексив компонентнинг аҳамияти, мазмун-моҳияти ва педагогик имкониятлари ёритилган. Рефлексив компонентнинг бўлажак ўқитувчиларда рақамли ахборотни танқидий таҳлил қилиш, медиамаълумотларнинг ишончлилигини баҳолаш, ўзининг рақамли фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш, шунингдек, рақамли муҳитдаги хатоларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш кўникмаларини шакллантиришдаги ўрни асосланган. Шунингдек, рефлексив ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг мустақил фикрлаш, ўзини ўзи баҳолаш, рақамли этика меъёрларига риоя қилиш ва касбий фаолиятини такомиллаштириш имкониятлари таҳлил қилинган. Мақолада рефлексив компонентни ривожлантиришга қаратилган педагогик усуллар ва методик ёндашувларнинг аҳамияти очиб берилган.*

Калит сўзлар: *бўлажак ўқитувчи, рақамли медиамаданият, рефлексив компонент, рефлексив ёндашув, рақамли компетентлик, медиасаводхонлик, танқидий фикрлаш, ўзини ўзи баҳолаш, рақамли этика, касбий ривожланиш.*

Аннотация. *В статье рассматриваются значение, сущность и педагогические возможности рефлексивного компонента в развитии цифровой медиакультуры будущих учителей. Обосновывается роль рефлексивного компонента в формировании у будущих учителей навыков критического анализа цифровой информации, оценки достоверности медиаматериалов, анализа и самооценки собственной цифровой деятельности, а также выявления и устранения ошибок в цифровой среде. Кроме того, анализируются возможности развития самостоятельного мышления, самооценки, соблюдения норм цифровой этики и совершенствования профессиональной деятельности будущих учителей на основе рефлексивного подхода. Раскрывается значение педагогических методов и методических подходов, направленных на развитие рефлексивного компонента цифровой медиакультуры.*

Ключевые слова: *будущий учитель, цифровая медиакультура, рефлексивный компонент, рефлексивный подход, цифровая компетентность, медиаграмотность, критическое мышление, самооценка, цифровая этика, профессиональное развитие.*

Abstract. *This article examines the significance, essential characteristics, and pedagogical potential of the reflective component in developing future teachers' digital media culture. It substantiates the role of reflection in fostering future teachers' skills in critically analyzing digital information, evaluating the reliability of media content, analyzing and assessing their own digital activities, and identifying and correcting errors in digital environments. Furthermore, the article explores how a reflective approach can promote independent thinking, self-assessment, adherence to digital ethics, and the continuous improvement of future teachers' professional practice. It also highlights the importance of pedagogical methods and instructional approaches aimed at developing the reflective component of digital media culture.*

Keywords: *future teachers, digital media culture, reflective component, reflective approach, digital competence, media literacy, critical thinking, self-assessment, digital ethics, professional development.*

Рефлексив компонент. Бўлажак ўқитувчилар рақамли медиамаданиятининг рефлексив компоненти рақамли муҳитда амалга оширилаётган касбий фаолиятни онгли таҳлил қилиш, ўз медиахулқи ва педагогик қарорларини баҳолаш, рақамли ресурслардан фойдаланиш натижаларини қайта кўриб чиқиш ҳамда келгуси фаолиятни такомиллаштириш қобилияти билан боғлиқдир. Рақамли муҳитда ўқитувчи фақат ахборотни қабул қилувчи ёки технологиядан фойдаланувчи субъект эмас, балки ўз фаолиятининг педагогик, ахлоқий, коммуникатив ва тарбиявий оқибатларини англайдиган масъул шахс сифатида ҳаракат қилиши лозим. Шу сабабли рефлексив компонент рақамли медиамаданиятнинг барқарор касбий сифатга айланишини таъминлайдиган ички назорат ва ўзини ўзи такомиллаштириш механизми ҳисобланади.

Рефлексив компонент бўлажак ўқитувчининг ўз медиахулқини баҳолаши, рақамли фаолиятини таҳлил қилиши, онлайн мулоқотдаги услубини қайта кўриб чиқиши, ахборот танловининг ишончлилиги ва педагогик аҳамиятини аниқлаши, AI воситаларидан фойдаланишдаги масъулиятини баҳолаши ҳамда рақамли фаолиятининг ўқувчиларга таъсирини англашида намоён бўлади. Мазкур компонент бўлажак ўқитувчида “Мен рақамли муҳитда нима қиляпман?”, “Бу ҳаракатим педагогик мақсадга хизмат қиляптими?”, “Мен

танлаган ахборот ишончлими?”, “AI натижасини текширдимми?”, “Онлайн мулоқотим ўқувчига қандай таъсир кўрсатади?” каби саволлар асосида касбий ўзини таҳлил қилиш маданиятини шакллантиради.

Шу асосда рақамли медиамаданиятни баҳолаш мезонлари унинг таркибий компонентлари ва касбий-педагогик вазифалари билан боғлиқ ҳолда белгиланади. Мезонлар бўлажак ўқитувчи рақамли медиамаданиятининг қай даражада шаклланганини аниқлаш, унинг кучли ва заиф жиҳатларини белгилаш, шунингдек, кейинги ривожлантириш йўналишларини кўрсатиш имконини беради. Рақамли медиамаданиятни баҳолашда билимлилик, амалий қўллаш, танқидий таҳлил, масъулиятли медиахулқ, педагогик мақсадга мувофиқлик ва рефлексив баҳолаш мезонлари асосий ўрин тутади.

Хулоса қилиб айтганда, бўлажак ўқитувчилар рақамли медиаmмаданиятининг рефлексив компоненти рақамли муҳитда амалга ошириладиган касбий-педагогик фаолиятни онгли таҳлил қилиш, ўз фаолияти натижаларини баҳолаш, йўл қўйилган хатоларни аниқлаш ва уларни бартараф этишнинг мақбул усулларини белгилашга хизмат қилади. Мазкур компонент бўлажак ўқитувчиларда рақамли ахборот билан ишлаш жараёнида танқидий фикрлаш, ўз позициясини асослаш, рақамли контентнинг ишончлилигини баҳолаш ҳамда ахборотдан фойдаланишнинг ахлоқий меъёрларига риоя қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Рефлексив ёндашув асосида бўлажак ўқитувчи ўзининг рақамли компетенциялари, медиадан фойдаланиш стратегиялари ва педагогик қарорларининг самарадорлигини мунтазам таҳлил қилиш имкониятига эга бўлади. Бу эса унинг касбий ўзини ўзи ривожлантириши, рақамли таълим муҳитида мустақил ва масъулиятли қарорлар қабул қилиши ҳамда инновацион педагогик фаолиятга мослашувчанлигини таъминлайди.

Шундай қилиб, рефлексив компонент бўлажак ўқитувчилар рақамли медиамаданиятининг муҳим таркибий қисми сифатида рақамли билим ва кўникмаларни онгли қўллаш, касбий фаолият натижаларини танқидий баҳолаш ва узлуксиз такомиллаштиришни таъминловчи педагогик механизм ҳисобланади. Уни мақсадли ривожлантириш бўлажак ўқитувчиларнинг рақамли медиамаданиятини юксалтириш, рақамли ахборот маконида масъулиятли фаолият юритиш ва замонавий таълим талабларига мос рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашнинг муҳим шартидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни. — 2003 йил 11 декабрь, 560-ИИ.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. — 2020 йил 23 сентябрь, ЎРҚ-637.

3. Федоров А.В. Медиаобразование и медиаграмотност: учебное пособие. — Таганрог: Изд-во Кучма, 2004. — 340 с.

4. Федоров А.В. Медиаобразование: история и теория: учебное пособие для вузов. — М.: МОО “Информация для вцех”, 2015. — 450 с.

5. Федоров А.В. Развитие медиакомпетентности и критического мышления студентов педагогического вуза. — М., 2007.